



ХАВАР

Ўзбекистон Республикаси Алоқа Вазирлиги нашри

1992 йил мартдан чиқа бошлаган • 1997 йил, 28 февраль № 9 (237)

Сотувда нархи эркин

ШАРТНОМА ИМЗОЛАНАДИ

Япониянинг ташқи иқтисодий ҳамкорлик (ОЕСФ) фонди томонидан берилган кредит бўйича «Ўзбекистон алоқа тармоғини ривожлантириш ва кенгайтириш» лойиҳасини амалда жорий этиш мақсадида ўтказилган кўрик-танловда (тендер) Япониянинг МИЦУИ КО ЛТД фирмаси ва Олмониянинг ТЕЛЕПОРТ САХСЕН-АНХАЛТ фирмалари қўлиб деб топилди. Икки ой мобайнида мазкур

иккита қўлиб фирма вакиллари билан шартнома имзолаш юзасидан музокаралар ўтказилди. Музокараларда томонларни қониқтирувчи қарор ва қелишувлар қабул қилинди.

Шу муносабат билан Алоқа вазирлиги биносида шартнома имзолаш маросимини ўтказиш мўлжалланмоқда.

Ҳамидулла ХОЛМУҲАМЕДОВ,
жамоатчи мухбир

Андижон вилояти давлат электралоқа ишлаб чиқариш корхонаси қошида «Маънавият ва маърифат» марказининг бошлан-

сида тарбия масалалари, алоқа тарихини ўрганиш, мураббийлик ҳаракати ва бошқа қатор муҳим тадбирлар ҳам ўрин олган.

Андижон

вилояти дав-

лат электрало-

қа ишлаб чи-

қариш корхо-

насининг таъ-

сис мажлисида мазкур тадбир-

ларни молиявий таъминлаш бел-

гилаб қўйилди. Эзгу ният билан

иш бошлаган марказ фаолияти-

га оқ йўл тилаб қоламиз.

Раҳмонжон УЗОҚОВ,
Андижон вилояти

БОШЛАНГИЧ ТАШКИЛОТ ТУЗИЛДИ

Ғич ташкилоти тузилди. Алоқа соҳасининг фахрийлари, тажрибали ходимлар марказ фаоллари дидир. Бошланғич ташкилот меҳнат фахрийси Жўраҳон Мамажонов раҳбарлигида маънавий-маърифий масалалар бўйича жойларда иш олиб боради. Ташкилот иш режа-

сида тарбия масалалари, алоқа тарихини ўрганиш, мураббийлик ҳаракати ва бошқа қатор муҳим тадбирлар ҳам ўрин олган.



Жиззах вилояти давлат электралоқа ишлаб чиқариш корхонаси жамоаси ўтган йилни меҳнат ютуқлари билан яқунладилар. Бунда алоқачиларнинг оғирини енгил, узогини яқин қилган автожамланма ҳайдовчиларининг ҳам салмоқли улушлари бор.

Суратда: автожамланма раҳбари Анвар БОБОЖОНОВ (ўртада) ҳайдовчиларга йўлга чиқиш олдидан зарур йўл-йўриқлар бераётир.

Суратқаш Б. ТОШМАТОВ

• **Матбуотда «Ўзагросугурта» давлат акциядорлик сугурта компаниясини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони эълон қилинди.**

• Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Американинг хориждаги хусусий сармоялар бўйича корпорацияси (ОПИК) президенти ва бош ижрочиси Рут Харкин хоним Ўзбекистон Республикаси Президенти қабулида бўлди.

• **Республикамиз пойтахтида Ўзбекистон Конституциявий судининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.**

• Тошкентда МДХ мамлакатлари — Қозоғистон, Қирғизистон, Россия, Тожикистон, Ўзбекистон мудофаа вазирларининг амалий учрашуви ўтказилди.

• **Абхазияда тинчликни сақлаш кучларининг ҳарбий машинаси минада портлаб кетгандан сўнг ундаги аскарлар номаълум кимсалар томонидан ўққа тутилиши натижасида бир киши ҳалок бўлди ва яна бир киши жароҳатланди. Абхазия томони бу ивгогарликда Грузиянинг махсус маҳкамаларини айблади.**

ОЛАМДА НУМА ГАП?

• Янгиликлар • Воқеалар • Хабарлар

• Миср Халқ Кенгаши (парламенти) республика Президентининг мамлакатда амал қилаётган фавқуллодда ҳолатни яна уч йилга чўзиш ҳақидаги декретини кўпчилик овоз билан тасдиқлади.

• **КХДР Корея ярим оролида вазиятни барқарорлаштириш учун тўрт томонлама — Шимолий ва Жанубий Корея, АҚШ ва Хитой иштирокидаги музокараларни давом эттиришга розилигини билдирди. Бу музокаралар икки марта КХДР қаршилиги тўғрисида тўхтаб қолган эди.**

• Руминиянинг собиқ қироли Михай ҳамда қиролича Анна тез кунлар ичида Руминияга келади, деб хабар тарқатмоқда ушбу мамлакат оммавий ахборот воситалари.

• **Қизил денгизда Эритреяга қарашли кема гарқ бўлди. Эритрея бандаргоҳидан Саудия Арабистонига қараб йўл олган кемада 95 нафар йўловчи бўлган. Воқеа содир бўлган жойга зудлик билан етиб келган кутқарувчилар 6 кишининг ҳаётини сақлаб қолишга улгурмишган, холос. Мутахассисларнинг фикрича, кемага ҳаддан зиёд кўп юк ортилгани ҳалокатга сабаб бўлган.**

• «Янгиланган НАТОнинг фақат битта душмани бўлади, у ҳам бўлса, Европа беқарорлигидир», деди АҚШ давлат котиби Мадлен Олбрайт Эй-Би-Си телекомпанияси мухбири билан суҳбатда.

• 1997 йил — Инсон манфаатлари йили

ХАЙРЛИ ИШГА ҚЎЛ УРИЛДИ

Жиззах вилояти давлат электралоқа ишлаб чиқариш корхонаси жамоаси инсон манфаатлари йилида Тошкент электротехника Алоқа институти ва Алоқа коллежида таҳсил олаётган жазоҳлик 70 нафардан зиёд талабаларга оталиқ ёрдами курсатишга бел боғлади. Жамоа кенгаши томонидан маълумланган бу хайрли тадбирни амалга ошириш учун ишчи гуруҳи тузилди. Унга корхонанинг телекоммуникация тармоқларидан фойдаланиш ва истиқболни ривожлантириш бўлимининг етакчи муҳандиси, техника фанлари номзоди Абдулҳафиз Адияров бошчилик қилмоқда. Яқинда гуруҳ аъзолари ана шу ўқув даргоҳларида бўлишиб, у ерда таҳсил олаётган талабаларнинг ўқиб ва яшаш шартнолари билан танишдилар.

— Очғини, бу билим даргоҳларида, айниқса Тошкент электротехника Алоқа институтида таҳсил олаётган талабалар учун зарур шарт-шароитлар яратилган деб бўлмайди, — дейди биз билан суҳбатда гуруҳ бошлиғи Абдулҳафиз Адияров. — Аввало, талабалар яшаётган ётоқхоналар таъмирга муҳтож. Овқат пиширадиган хоналарнинг шифтларига қараб бўлмайди, газ плиталари ҳам яхши ишламайди. Талабалар ўқув қуроллари — дафтлар, ручка, керакли иш қозғолари ҳамда совун, тиш пастаси ва чўткаси сотиб олишга қийналишмоқда.

Корхона жамоа кенгашининг яқинда бўлиб ўтган йиғилишида ушбу масала тўғрисидаги ахборот тингланиб, талабаларнинг етарли билим олишлари учун ҳар томонлама оталиқ ёрдами курсатиш, энг аввало ўқув қуроллари ва бошқа зарур нарсалар сотиб олиб бериш, қолаверса, улар яшаётган ётоқхоналарни таъмирлашда кумаклашишга қарор қилинди. Шунингдек, талабалардан бир ойда кемада бир марта хабар олиб туришга келишилди.

Й. УРДУШЕВ,
жамоатчи мухбиримиз,
Жиззах вилояти

КАСАБА УЮШМАСИ ЙИГИЛИШИ

Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмасининг Марказий Кўмитасида молиявий ҳисобот йиғилиши бўлиб ўтди. Уни Марказий Кўмита раиси Т. Назаржонов бошқарди. Йиғилишда Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳри алоқа корхоналари касаба уюшмалари раислари ҳамда газначилари қатнашди.

Марказий Кўмитанинг молия бўлими мудири

К. Муҳаммаджонова ўтган йили касаба уюшмаси тушумлари ва сугурта бюджетлари, алоқа корхоналарида олиб борилган ишлар хусусида батафсил маълумот берди. Шунингдек, йиғилишда келгуси режалар ҳақида ҳам сўз юритилди.

Кўрилган масалалар юзасидан қарор қабул қилинди.

(Ўз мухбиримиз)

1. Умумий йўриқлар

1.1. Ўзбекистон Республикаси қонуни ва норматив акларида тегишли асослар бўлган пайтда муайян фаолият тури билан шугулланиш лицензиясини бекор қилиш ва қорхона (ташкilot)нинг лицензиялаштирилган фаолиятини тугатиш мумкинлиги назарда тутилди;

1.2. Мазкур ҳужжат назорат органлари ва қорхоналар (ташкilotлар) алоқа соҳасидаги лицензия эгалари (бундан кейин — лицензиялар) уртасидаги узаро муносабатларни изга солиш, масъулиятини ошириш ва улар манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда алоқа соҳасида муайян фаолият тури билан шугулланишни тўхтатиш еки тугатиш мақсадида иш-лаш чикилди;

1.3. Вақтинчалик тартиб Ўзбекистон Республикаси қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Айрим фаолият турлари билан шугулланишга махсус рухсатнома (лицензия) бериш тартибини тақомиллаштириш ҳақида» 1994 йил 19 апрелдаги 215-сонли, «Транспорт ва алоқа соҳаларида лицензияли фаолият ҳақидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида» 1996 йил 12 майдаги 175-сонли, «Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлигининг Давлат алоқа назоратини тузиш ҳақида» 1991 йил 16 январдаги 13-сонли қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлигининг «Алоқа соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш ҳақида» 1996 йил 12 июлдаги 240-сонли буйруғи ва лицензиялаштирилган фаолият бўйича вақтинчалик йўриқномалар (Алоқа вазирлигининг 1996 йил 12 июлдаги 240-сонли буйруғига 1-6 иловалар) аниқлаштирилган;

3.2. Лицензиячининг лицензияда белгиланган айрим еки барча турлар бўйича фаолиятини тўхтатиш қуйидаги асосларда амалга оширилади:

3.2.1. Мазкур йўриқноманинг 4-бўлимда баён қилинган лицензиялаштирилган фаолият шартларини бузиш (бажармаслик) аниқланганида;

3.2.2. Алоҳида вазиятлар, фавқулодда ҳолатлар еки ўта муҳим ижтимоий-сиёсий тадбирларни ўтказиш чоғида давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг махсус қарори бўйича;

3.2.3. Ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари, Давлат солиқ қўмитаси, Антимонопол қўмита ва бошқа органлар (бундан кейин — давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари)нинг Ўзбекистон Республикаси қонуничилигига мувофиқ талаблари бўйича;

3.2.4. Лицензия беришдан мўлдатдан бошлаб 6 ой мобайнида лицензияда курсатилган фаолият бошланган бўлса;

3.2.5. Давлат алоқа назоратининг лицензия шarti бузилгани (бажарилмаганлиги) аниқланган эзма буйруқ бир неча марта (2 ва ундан кўпроқ) бажарилмаганлида;

3.3. Лицензия ҳаракатини тўхтатиш мўдлати — қарор қабул қилинган (Алоқа вазирлигининг буйруғи эълон қилинган) вақтдан бошлаб 15 кунгача;

3.4. Лицензия ҳаракатини қайта тиклаш Давлат алоқа назоратининг лицензия ҳаракатини тўхтатиш учун асос бўлган эзма буйруқ бажарилишини текшириш далолатномалари асосида амалга оширилади.

Лицензиячининг ҳатоларини белгиланган мўддатлардан аввалроқ тугатгани ҳақидаги тасдиқномаси бўйича Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги лицензия ҳаракатини мўдлатдан аввалроқ қайта тиклаш ҳақида қарор қабул қилиши мумкин;

3.5. Лицензиячи аниқланган ҳатоларни тугатиш мақсадида белгилаб қуйилган лицензияни тўхтатиш мўдлатига риоя қилмаган ва Давлат алоқа назоратининг эзма буйруғини бажармаган ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Комиссияга лицензияни қонуinchilikда белгиланган тартибда бекор қилиш ҳусусида тақлиф қилган.

Вазирлар Маҳкамаси Комиссияси лицензияни бекор қилиш ҳақида қарор қабул қилганида унинг нусхаси 3 кунлик мўдлатда қорхона (ташкilot)га ва у жойлашган ҳудуддаги ҳокимиятга жунатилади.

Қарор нусхасини олгандан кейин 10 кунлик мўдлат ичида лицензия Алоқа вазирлигига топширилиши ва бекор қилиниши керак;

3.6. Қорхона лицензия ҳаракатини тўхтатиш еки бекор қилиш ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Комиссиясининг қарори еки Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлигининг буйруғидан нусха олгандан кейин 30 кунлик мўдлатда қорхоначиликда белгиланган тартибда судга арз қилиш ҳуқуқига эга.

4. Лицензия шarti бузилганда лицензия ҳаракатини тўхтатиш учун асослар

Лицензия фаолиятини ҳаракатини тўхтатиш қуйидаги ҳолатларда амалга оширилади:



4.1. Шаҳарларо телефон алоқаларини лойиҳалаш, қуриш ва улардан фойдаланиш;

4.1.1. Ўзбекистон Республикасида сертификация қилинмаган (қўлашга рухсат берилмаган) сигналлаштириш протоколлари ва синхронизациялаш тизимларидан фойдаланиш;

4.1.2. Электроматитт мослашув маркази рухсатисиз радиореле, йўлдошли еки трапосфера линияларида частота (канал)лардан фойдаланиш;

4.1.3. Қурилишининг белгиланган қондалари ва метрларини бузиш оқибатида одамларнинг жароҳатланиши еки улимига ехуд алоқа ҳаракатининг тўхтатишга сабаб бўладиган авариялар келтириб чиқариладиганлиги;

4.2. Ҳалқаро телефон алоқаси линияларини лойиҳалаш, қуриш ва улардан фойдаланиш

4.2.1. Ўзбекистон Республикасида сертификация қилинмаган (қўлашга рухсат берилмаган) сигналзация протоколлари ва синхронизациялаш тизимларидан фойдаланиш;

4.2.2. Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлигининг рухсатисиз ҳалқаро алоқанинг янги йўналишини ташкил этиш;

4.2.3. Электроматитт мослашув маркази рухсатисиз радиореле, йўлдошли еки трапосфера линияларида частота (канал)лардан фойдаланиш;

4.2.4. Қурилишининг белгиланган қондалари ва метрларини бузиш оқибатида одамларнинг жароҳатланиши еки улимига ехуд алоқа ҳаракатининг тўхтатишга сабаб бўладиган авариялар келтириб чиқариладиганлиги;

4.3. Телерадиоластуруларни узатиш ва тарқатиш

4.3.1. Электроматитт мослашув маркази рухсати белгиланган тартибда расмийлантирилган частота (канал)лардан фойдаланиш;

4.3.2. Узаттичларнинг қуввати ошганда бошқа фойдаланувчиларнинг радиовоситалари ва электрон тизимларида шовқин ва таъсир даражасининг ошиши оқибатида авариялар (тухтат еки алоқанинг узиллиши) юз бериши;

4.3.3. Телерадиоластуруларни Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлигининг рухсатисиз узатиш ва тарқатиш бўйича фаолият.

4.4. Узатиш ва маълумотни қайта ишлаш тармоғини лойиҳалаш, қуриш ва ундан фойдаланиш

4.4.1. Ўзбекистон Республикасида сертификация қилинмаган (фойдаланишга рухсат берилмаган) алмасув протоколларини қўлаш;

4.4.2. Лойиҳалаш ва қурилишининг белгиланган қондалари ва метрларини бузиш оқибатида одамларнинг жароҳатланиши еки улимига ехуд алоқа ҳаракатининг тўхтатишга сабаб бўладиган аварияларни келтириб чиқарганда;

4.5. Умумий фойдаланишдаги шахсий радиочақирки тармоғини лойиҳалаш, қуриш ва ундан фойдаланиш

4.5.1. Лицензияда аниқлаштирилган хизмат қўрсатиш зонасини бузиш;

4.5.2. Электроматитт мослашув маркази рухсати белгиланган тартибда расмийлантирилмаган частота (канал)лардан фойдаланиш;

4.5.3. Узаттичларнинг қуввати ошганда бошқа фойдаланувчиларнинг радиовоситалари ва электрон тизимларида шовқин ва таъсир даражасининг ошиши оқибатида авариялар (тухтат еки алоқанинг узиллиши) юз бериши;

4.5.4. Лойиҳалаш ва қурилишининг белгиланган қондалари ва метрларини бузиш оқибатида одамларнинг жароҳатланиши еки улимига ехуд алоқа ҳаракатининг

тўхтатишга сабаб бўладиган аварияларни келтириб чиқарганда;

4.6. Умумий фойдаланишдаги уяли радиоалоқа тармоғини лойиҳалаш, қуриш ва ундан фойдаланиш

4.6.1. Электроматитт мослашув маркази рухсати белгиланган тартибда расмийлантирилмаган частота (канал)лардан фойдаланиш;

4.6.2. Узаттичларнинг қуввати ошганда бошқа фойдаланувчиларнинг радиовоситалари ва электрон тизимларида шовқин ва таъсир даражасининг ошиши оқибатида авариялар (тухтат еки алоқанинг узиллиши) юз бериши;

4.6.3. Лицензияда аниқланган минтақавий тармоқлар бўйича белгилаб қуйилган хизмат қўрсатиш зонасини бузиш;

4.6.4. Лойиҳалаш ва қурилишининг белгиланган қондалари ва метрларини бузиш оқибатида одамларнинг жароҳатланиши еки улимига ехуд алоқа ҳаракатининг тўхтатишга сабаб бўладиган аварияларни келтириб чиқарганда;

4.7. Назорат органларининг эзма буйруқларини мўлғатаман равишда бажармаслик оқибатида лицензияни тўхтатиш учун асослар

4.7.1. Лицензиячининг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Комиссиясига лицензиянинг ташкилий-ҳуқуқий шакли узгаргани ҳақида ахборот бермагани;

4.7.2. Ташкилий-ҳуқуқий шакли узгарганида лицензияни қайта рўйхатдан ўтказишнинг бажарилмагани;

4.7.3. Лицензиянинг ҳаракат мўдлатини белгиланган тартибда узайтирмаклиг;

4.7.4. Вазирлар Маҳкамасининг транспорт ва алоқа соҳаларини лицензиялаштириш бўйича Комиссияси, Алоқа вазирлиги еки унинг вколатли ташкилоти талаби бўйича лицензиялаштирилган фаолият ҳусусида маълумот бермаслиги;

4.7.5. Лицензияни бошқа шахсларга бериш;

4.7.6. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонуinchilikда назарда тутилган ҳоллардан бошқа ҳолларда телефондаги суҳбатларнинг сир тугилишини таъминламаклиг;

4.7.7. Лойиҳа ечимлари, қурилиш ва техника воситаларидан фойдаланиш талабга жавоб бермайдиган ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, енгининг олдини олиш, электр ва техника хавфсизлиги нормалари ҳамда қондаларида мувофиқ келмайдиган, одамлар ҳаётига, атрофдаги табиий муҳитга хавф тугдирадиган, жумладан, лицензиячининг техника воситасидиги нуқсонлар ва улар таъсири натижасида бошқа фойдаланувчиларнинг электрон қурилмалари ҳамда радиовоситаларида енгилар, авариялар чиклиши мумкин бўлган ҳолларда;

4.7.8. Алоқа воситасининг давлат хавфсизлиги ва мудоффа қудратини таъминлаш, ҳуқуқ ҳимояси манфаатлари ва алоҳида муҳим ижтимоий-сиёсий тадбирлар ўтказиш чоғидаги ишнини таъминлаш бўйича махсус талабларга риоя қилмаслиги;

4.7.9. Фойдаланилаётган жиҳоз (қурилма)га мувофиқ сертификация еки тегишли сертификацияли синовлар ўтказишга шартномалар (контрактлар)нинг йўқлиги.

5. Лицензиялар ҳаракатини тўхтатиш (қайта тиклаш) ва уларни қайтариб олиш бўйича ҳужжатларни расмийлантириш тартиби

5.1. Лицензия ҳаракатини тўх-

татиш еки қайта тиклаш ҳақидаги қарор Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлигининг буйруғи билан қабул қилинади.

Лицензия ҳаракатини тўхтатиш ҳақидаги буйруқда лицензия ҳаракатини тўхтатишнинг асоси, даври ва лицензия ҳаракатини қайта бошлаш ҳусусида қарор қабул қилиш имкониятини белгилаш учун текширишда аниқланган нуқсонларни бартараф этиш мўдлати курсатилади;

5.2. Буйруқлар нусхалари 2 кунлик мўдлат ичида лицензиячи, Давлат алоқа назорати, тегишли органлар ва қорхоналар (ташкilotлар)га жунатилади.

Айни вақтда лицензия ҳаракатини тўхтатиш еки қайта бошлаш ҳусусидаги ахборот Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг транспорт ва алоқа соҳаларида лицензиялаштириш бўйича Комиссиясига жунатилади;

5.3. Лицензия ҳаракатини тўхтатиш ва уни қайта бошлаш бўйича вазирлик буйруғини қабул этиш икки кун мўдлат ичида амалга оширилади;

5.4. Буйруқларни тайёрлаш Давлат алоқа назорати тақдим этган тегишли материаллар, уларни Алоқа вазирлиги раҳбариятининг Давлат алоқа назорати ва лицензиячи иштирокидаги муҳокама натижалари, шунингдек, тегишли хулосаларнинг расмийлантирилишига қараб амалга оширилади.

6. Лицензия шартларининг бажарилишини текшириш тартиби

6.1. Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлигининг лицензия шартлари бажарилишини текшириш бўйича вколатли органи Давлат алоқа назоратидир;

6.2. Лицензия шартларининг бажарилишини текшириш қорхоналар (ташкilotлар) жами лицензия фаолиятининг бажарилишига таълуқли барча масалаларни қамраб олувчи комплекс текшириш еки алоқа соҳасидаги лицензиянинг аниқ шартини текширишга йўналтирилган мақсадли текшириш бўлиши мумкин;

6.3. Текширишга ўтказиш мўдлатларида кура режалари (даврий), режадан ташқари (набвдатан ташқари) ва тақририй бўлиши мумкин;

6.4. Режалари текширишлар, олдата, йилига бир марта белгиланган тартибда келишилган ва тасдиқланган режа-жавабга мувофиқ равишда, режадан ташқари текшириш — давлат ҳокимияти, бошқарув, назорат ва тафтиш ташкilotларининг ташаббусида биоан, тақририй текшириш — Давлат алоқа назорати эзма буйруқларининг бажарилишини текшириш учун ўтказилади;

6.5. Текширишдан мақсад — лицензияда курсатилган (лицензия келишувида баён қилинган) шартларни бажарилишини тугулиги ва турлилигини аниқлаш ва лицензиячининг эзма буйруқлар ҳамда далолатномаларда курсатилган ҳатоларини бартараф қилиши;

6.6. Текшириш дастури, комиссия таркиби Давлат алоқа назорати раҳбари томонидан аниқланади;

6.7. Хабар лицензиячига текшириш бошлангандан 15 кун аввал жунатилади;

6.8. Текшириш натижалари бўйича белгиланган шикдаги далолатнома тузилади, бузилган аниқланганда эса, эзма буйруқ (предписание) тузилади. Расмийлантирилган далолатнома ва эзма буйруқ текшириш нийодисида лицензиячига тақдим этилади;

6.9. Лицензиячи Алоқа вазирлигига қорхоналарни текшириш натижалари бўйича эзма буйруқни олгандан кейин 15 кун мобайнида арз қилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлигининг 1997 йил 30 январдаги 44-сон буйруғи билан тасдиқланган ва 1 февралдан қучга киритилган.

Яқинда навоийшўнос олимлар устози Порсоҳон Шамсиев нашрга тайёрлаган (1967 йил) Навоий асарларининг 14-томини varaқлаб, «Хамсатул-мутахаййирин» хотиротини кайтадан уқидим. Навоийнинг бу гузал насри ва шеърйи, илмий ва бадиий асарига султон Хусайн замонидаги ҳайратга сазовор беш кишидан бири — Нурил-миллати ва-д-дин Абдурахмон Жомий билан хат орқали доимий aloқа қилиб турган вақтларида тутилган ажойиб илҳом лаҳзаларини кураимиз. Навоий устози Жомийни кўп ва хуб, яъни гузал асарлар ижод қилдида Низомий ва Хусрав Дехлавийдан ҳам баланд кўяр эди.

Ики фил ўлса Хусрави Низомий, Эрур юз фил чоғлиқ фил Жомий.

Яна бир уринда Алишер Навоий «Қуръони карим»да баён қилинган Асҳоби Каҳф-Ғор аҳлига ишора қилади. Таврот ва Қуръон тафсирларидан маълумки, Рум империясининг золим подшоҳи Даққиенус (Диоклетянус) замонида мушриклар (кўп худодиклар) динини қабул қилмаган олти умир шаҳзода ва бир чўпоннинг ити тоғ чуққиларига қочиб бориб, бир горга беркиндилар. Худонинг курапти билан бу умирлар ва ит ухлаб қолиб, 300 йилдан кейин уйғонадилар. Бу ривоят минг йиллар давомида Шарқу Ғарблагги барча уламолар орасида машҳур эди. Авдиелар устози шайх Нажмиддин Кубро ҳам Қуръоннинг шу воқеага бағишланган «Каҳф» сураси-

ни шогирдларига шарҳлаб берар эди. Баъзи тафсирчилар кофир подшоҳ зулмидан қочган усмирлар бешта эди, баъзилар учта эди, деб ҳисоблайдилар, Алишер Навоий Ғор ахлини уч усмир деб биледи. Маънавий устозлари — Низомий, Дехлавий ва Жомийни фано-йўқлик горига кириб, йўқолиб кетсалар, мен уларнинг туртинчиси — ити булишга розиман, деб жуда чиройли байт эсан эди:

туфайли Навоий устоз мавлавий Жалолдин Румийнинг машҳур «Маънавий Маънавий» асари муқаддимасидати байтларни едита олади:

Устодлар шоҳи Ҳасан ҳижрони шарҳидан «Тинглағиз, най не ҳикоятлар қилур?» Бўғим-бўғими бир-биридан айрилган, «У жудодикдан шикоятлар қилур».

• Мерос

УСТОЗ ВА ШОГИРД МАКТУБЛАРИ

Каҳфи фано ичра алар бўлса гум, Мен ҳам ўлай арбаахум-калбуҳум...

Навоий билан Жомийнинг устоз-шогирдлиги, ижодий ёзишмалари, мактубларидаги узаро иззат-хурмат, дустона меҳр-муҳаббат минг йиллар давомида инсоният учун ибратга аризулик бўлиб, тилдан тушмайди.

Подшоҳ Хусайн Бойқаро Марв яқинида кушини билан турган пайтда Алишер Навоий ҳам унинг ҳузурини эди. Шу пайтда Ироқдан машҳур санъаткор устод Ҳасан Нойй (най устаси) вафот этгани ҳақида хабар келди. Бу хабардан таъсирланган Алишер Навоий устозини Жомийга кичик шеърйи мактуб ёзиб, хабарни билдиришни зарур деб билди. Устод Нойй ноиб санъаткор эканлиги

Бу мактуб Ҳирот шаҳрига, устоз Жомий даргоҳига юборилди. Мактубни элган кишидан хазрат Жомий бундай жавоб бериб юборди:

Дилимга таржимон бўлди найқалам, «Тинглағиз, най не ҳикоятлар қилур?» Утқир тил ва кўз ёшлар билан «У жудодикдан шикоятлар қилур». Устоз Жомий бошқа бир мактубида подшоҳ хизматида булган амир Алишерга бундай насиҳат қилди: «Уз манфаатинг хатини кўнгулдан учир, Ҳақ ўйида халқнинг таянчи бўлғи. Майли, подшоҳ давлати соясини ўтир,

Фақат эл, юрт дардига дармон бўлғи.

Устоз Жомий Маккаю Мадина сари, ҳаж сафарига кетганида ҳам доимо Алишер Навоийга узининг аҳволини ва дилидаги нодир фикрларини маълум қилиб, мактублар йўллаб турди. Навоий «Хамсатул-мутахаййирин»да ёзишча, «Алар (Жомий) Маккаи муқаррама сафарига борганда Ғаллодин бағоят рангин нома битиб эрдилар. Ғазалининг матлаи бундурким:

Бар канори Дажла дур аз ёру маҳжур аз диёр, Дорам аз ашқи шафақун дажлаи хун бар канор.

(Мазмуни: Дажла дареси киргоғида, ердан узок, диердан жудодикда — шафақранг кўз ешидан куқсимда қон дажласи бор.)

Навоий бунга жавобан юборган газал-мактубининг матлаи (бошланиши) бундай эди:

Айриқл, шомиди кўёшим мағриб томон яширинди, Ё раб, ивол тоғини машриқ томондан чиқор.

Бу мисраларда Алишер Навоий устозининг Ҳиротдан узоқлашиб, Ғарб томонга кетиб қолганига ишора қилади.

Навоий ва Жомийнинг мактубларидан куринладик, устоз ва шогирд доимо ватан, эл, улус тақдирини уйлаб, мискин, бечора, ғариб кишилар, илм ва ҳунар, меҳнат аҳли ғамташвишларига ҳамдардик билан иштанлар.

Маҳкам МАҲМУД АНДИЖОНИЙ

• Шунақаси ҳам бўлади

ГУЛЛАР ҲАМ МУСИҚА ТИНГЛАЙДИ

Уйимизда усаётган хитой гулининг барглари сарғая бошладди. Қанчалик парварнишласак ҳам узгарини йўқ эди.

Кейин билсак, гул барглари уша хонадаги радионинг бузилиб, гапирмаётгани туфайли сарғайган экан. Радио тузатилагач, эфирдан кушиқлар «тинглаган» гуллар яна кўм-кўк булиб уса бошладди.

Кейин атайин яна ун беш кун радиони уша хонадан олиб кўйдик. Гул барглари тагин сулиди. Буни бир неча марта синаб кўргач, усимликлар ҳам ёқимли товушларга, музыкага ташна эканлигига ишонч ҳосил қилдик.

Баҳодир ЭҒАМОВ, Навоий вилоти



Бўйи келди ерданми, кўкдан? Келаяпти келинчак кўклам.

Кўнлардан бир кўн...

Қадимий юнонларнинг машҳур масалҳиси Эзоп қўлларча ҳаёт кечирган. Бир кўни кўжаси уни майда-чуйда олиб келиш учун шаҳарга юборибди. Йўлда бир судья учраб, ундан:

— Қаёққа кетяпсан? — деб сўрабди.

— Билмайман, — жавоб қилибди унга Эзоп.

Унинг бу жавоби судьяга еқмабди-да, дарҳол Эзопни тутиб, қамашга буюрибди.

— Мен сизга туртинсини айтмадимми, жаноблари, — дебди Эзоп шунда. — Ҳақиқатдан ҳам узимнинг қамоққа тушишimoni билмаганман.

Унинг бу сузларидан судья бехиштер кулимсирабди-да, озод қилишни буюрибди.

Инглиз расоми Уистлернинг қандайдир асарини бир миллионер кўп пул бериб, сотиб олибди. Кейинчалик у, расом бу суратни бор-йўғи икки соат ичида чизиб тугатганини эшитди:

— Бу қандай адолатсизлик! — деб ачинабди. Бошқалар терга ботиб, кечаю-кундуз тинмай меҳнат қилди, у бўлса бор-йўғи икки соат ичида бехисоб бойлик топса, — деб, уни судга берибди.

— Қани айтинчи, — дебди суд ҳайъати унга, — шу суратни ишлашга қанча вақт сарф қилинган?

Шунда мусаввир уридан туриб: — Менинг ҳозирга қалар яшаган умримга икки соат кўшингиз, шунда суратни чизишга кетган вақт ҳисоби чиқали, — дебди.

Вольтер меҳмондорчиликда икки шикимининг ўртисинда ўтириб қолибди. Ёзувчи устидан кулмоқчи бўлиб, улардан бири сўради:

— «Ичмоққа бирор нарса бериш» — дейиш керакми ёки «ичмоққа бирор нарсангиз борми?»

— Сизлар учун бунинг иккаласи ҳам тўғри эмас, энг яхшиси: «Бизни сўғоришга олиб бориш» дейиш сизларга мос, — деб жавоб қайтарибди Вольтер.

Терпог Орлеанскийга еган ўтқир эпиграммаси учун машҳур Вольтерни вақтинча Бастилия турмасига қамашибди! Маҳбуслик муддати тулаб, кўгулиб чиққан ёзувчининг терпогнинг узи қабул қилибди-да, судбат чоғида Вольтерни жуда хурмат қилишини қайта-қайта эслатибди. Сўхбат сўғида у Вольтердан:

— Қандай илтимосингиз бор? — деб сўрабди.

ҲИҚМАТ

Донларнинг айтишича, уч гуруҳ кишилар билан дустлик йўлини тутиш мақсадга мувофиқдир.

Биринчиси — илм аҳли булиб, улар уз ҳаётларини илму одоб билан утказган ва ҳаётнинг барча аччиқ-чучғини тортган буладилар.

Иккинчиси — бахтиёр табиатли саодатманд кишилар булиб, улар уз дустларининг айбларини одамлардан яширадилар ва ҳеч қачон ошкор қилмайдилар. Хилватда дустдан содир булган хатоларни юзларига айтиб берадилар ва улардан ҳеч бир насиҳатларини аймайдилар.

Учинчиси — бегараз ва бетама кишилар булиб, уларнинг дустликлари ҳақиқий, яъни бирор фойда топиш эвазига қўрилмаган булади.

Абдулбаракот КОДИРИЙ

Шунда улуг донишманд: — Биргина илтимосим бор, бундан кейин менинг қаерда туриниш ҳақида ғам емай куя қилиб, тақсирим, — деб жавоб берибди.

«Севилья сарпароши» спектакли премьерасидан кейин ҳаяжонлиб кетган томошабин Бомаршелан сўради:

— Бу қалар қизиқ ёзишга қандай қилиб эришдингиз?

— Ҳа-ҳа, эринмай буладими, — леди у қулиб, — номим машҳур булганидан кейин қизиқ ёзишга мажбурманда.

Бир кўни Жюль Вердан сўради:

— Қайси пайтларда ҳаелингиз ятада ўтқирроқ ишлайди?

— Ҳар кўни эрталаб уйғониш пайти яна ун минутгина мизгиб олсам, деб ўйлаганимда, — дея жавоб берди буюк ёзувчи.

МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Алоқа Вазирлиги

Бош муҳаррир: Шодмон ОТАБЕК

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Абдувоҳид ЖЎРАБОВ Шўхрат ЖАББОР Анатолий КУДИНОВ

Иззат АҲМЕДОВ (Бош муҳаррир ўринбосари) Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ (Масъул котиб) Мирўлат МИРЗО Рустам ҚОСИМОВ Ёқубжон ХЎЖАМБЕРДИ Бобоҳон ШАРИФ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ: Бўриной АҲМЕДОВ ОТАУЛИ Саидмахмуд АКБАРОВ Шохруҳ АКБАРОВ Меҳмонкул ИСЛОМКУЛОВ Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ Тоғай МУРОД

МАНЗИЛИМИЗ: 700000 Тошкент-35, А. Толстой кўчаси, 1. ТЕЛЕФОНИМИЗ: 36-36-42, 36-35-29, 44-29-09. ИНДЕКС: 64600 ЖУМА КўнЛАРИ ЧИКАДИ

Муҳарририятга келган кўлэмалар (2 ораликда, 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтаришмайди. Мақолалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир.

Рўйхатга олиш №000011. Буюртма №Г-0116. 13190 нусxada чоп этилди. Офсет усулида босилди. Бичими А-3, ҳажми 1 босма табок. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КЎНЦЕРНИ БОСМАХОНАСИ. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6

ДУШАНБА, 3

6.30 «Ассолом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.30 «Хайтаном».
8.30 «Санъат гунаҳлари».
18.00 «Узбектеатри» намойиш этакди: «Инсон қалбига йул».

II

18.00 Кундалик.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Ерилош». Мультипликация.
18.35 «Спорт қитъаси».
18.45 «Киносаёра».
19.00 «Спеллинг».

III

17.50 Янгиликлар.
18.00 «Хива гилемлари». Телефильм.
18.10 Эълонлар.
18.15 — 21.40 Россия жамоат телевидениеси.

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
18.45 Кўрсатувлар анониси.
18.50 «Мушкарусель».

00.05 Тунги тароналар.
00.25 — 00.35 «Ватан тилмолари».
18.00 Кундалик.
18.15 «Ерилош». Мультипликация.
18.35 ТВ лос...
18.40 «Киносаёра».

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 «Тирпатикан, кучука ва Нико исми бола». Мультипликация.
18.10 Эълонлар.
7.30 — 9.00, 18.15 — 21.40 Россия жамоат телевидениеси.

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
18.45 «Мушкарусель».
19.00 «Сен ҳақиқда ва сен ўзин». Ахборот-балиқчилик тартиби.

V

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
18.45 «Мушкарусель».
19.00 «Биринчи микрас».



ПАЙШАНБА, 6

6.30 «Ассолом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 Лирик концерт.

II

9.00 «Ерилош». Мультипликация.
9.20 «Қўямноқ».
9.20 «Жаноби Бин хангомлари».
10.10 «Жазба».
10.20 «Олтин кент».

III

18.00 «Жунгар трионлари». Телефильм.
7.30 — 9.00, 18.20 — 21.40 Россия жамоат телевидениеси.
21.45 «Калеба қизлари. Эмили». Телесериял.

18.30 Бизнес ҳафта яқунлари.
18.45 «Эртаги — шанба».
19.05 «Маънавият». Фольклор-этнографик ансамблларнинг «Зилло» телефестивали.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).

ШАНБА, 8

6.30 «Ассолом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Тараним». Мусиқий дастур.

II

9.00 «Боланинг тили...»
9.15 Мультипликация.
9.25 «Тараним». Мусиқий дастур.
10.00 Тошкент. «Туркистон» саройи. Халқаро хотин-қизлар кунга бағишланган санъат усталари ва санъат усталари ҳамда ёш икромлар концерти.

III

18.05 «Ерилош». Мультипликация.
18.20 «Бугуннинг боласи».
18.40 Эълонлар.

9.00 Аэробика.
9.20 Кинонинг олтин асри. «Мистер Питкин ва «Сенгир» этакди». Бадий фильм.
10.45 «Кор маликис». Навоий номидаги Давлат академик Катта театрининг спектакли.

ЯҚШАНБА, 9

6.30 «Ассолом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».
8.25 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».

II

9.00 «Боланинг тили...»
9.15 Мультипликация.
9.25 «Тараним». Мусиқий дастур.
10.00 Тошкент. «Туркистон» саройи. Халқаро хотин-қизлар кунга бағишланган санъат усталари ва санъат усталари ҳамда ёш икромлар концерти.

III

18.05 «Ерилош». Мультипликация.
18.20 «Бугуннинг боласи».
18.40 Эълонлар.